



ЙИРИК МУҲАДДИС МУҲАММАД ОБИД СИНДИЙ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11364536>

Анваров Элёрбек Музаффарбек ўғли

*Тиллар кафедраси ўқитувчиси, ЎзХИА таянч докторанти
тел. +998909854309, e-mail. anvarovelyorbek1996@gmail.com,*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Муҳаммад Обид Синдий Айюбий ҳадис илмига қўшган ривож ва олимнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда илмий мероси борасида маълумот берилган. Муҳаммад Обид Синдий туғилган ва яшаган даврини ёритиш жараёнида атрофдаги илмий муҳитнинг инсонни олий бўлиб етишишида катта рол ўйнашини баён қилинди. Синдийнинг илм олиш ва илм беришдаги ҳиммати, унинг устозлари, шогирдлари, асарлари, алломанинг илмдан ташқари, инсонийлик хулқи, илм олиш йўлидаги матонати ва азиятларга сабр қилиши, бу инсонинг янада етук шахс бўлганини келтирилиб ўтилди.

Калит сўзлар

Муҳаммад Обид Синдий, ҳадис илмлари, Имом Абу Ҳанифа, “ал-Маваҳиб ал-Латифа”

Abstract:

Key words:

Аннотация:

Ключевые слова:

Замондошлари томонидан “Имом аъзам Абу Ҳанифанинг суюклиги, кўзларни очувчи сўз соҳиби, масалаларни дақиқ билувчи хазина” дея таърифланган етук олим, Имом Абу Ҳанифа (р.х.)нинг “Муснад” асарига ёзилган машҳур шарҳ “ал-Маваҳиб ал-Латифа”нинг муаллифи Муҳаммад Обид Синдий 1190/1776 сана атрофида Шарқий Ҳиндистонинг Синд шаҳри, Сийвон қишлоғида туғилган. Муҳаммад Обид Синдий машҳур саҳоба Абу Айюб ал-Ансорий авлодларидан бўлиб, шажараси қуйидагича: Муҳаммад Обид ибн Аҳмад Али ибн Муҳаммад Мурод ибн Муҳаммад Яъқуб ибн Маҳмуд ибн Абдурраҳмон ибн Абдурахим ибн Муҳаммад Анас ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Жобир ибн Муҳаммад Холид ибн Молик ибн Абу Авф ибн Ҳассон ибн Солим ибн Ашъас ибн Матт ибн Саълаба ибн Жунайд



ибн Муқаддам ибн Шурахбил ибн Ашъас ибн Матт ибн Абу Айюб Ансорий¹².

Аллома улғайган оила йирик олимлар хонадани бўлиб, илк сабоқларни бобоси Шайх Муҳаммад Мурод Ансорийдан олган, кейинчалик отаси Шайх Аҳмад Али Ансорий ва амакиси Шайх Муҳаммад Ҳусайн Ансорий кўлида таҳсилни давом эттирган. Олим улғайган уй унинг биринчи мактаби бўлиб, гўзал таълим ва тарбия олиб ўсди¹³. У олган илмларининг аксарини амакисидан олганб, хусусан, ақлий ва нақлий илмларни, шунингдек, тиб илмини ҳам амакисидан ўрганган. Тенгдошларидан фарқли ўлароқ Муҳаммад Обид ёшлигидан илмга катта қизиқиш пайдо бўлган, дарсни яхши кўрар, кўп китоб ўқир эди¹⁴.

Улғайгач илмий сафарга отланиб, Ҳижозга кўчиб ўтди, Макка, Тоиф ва Жидданинг катта шайхларидан таҳсил олди. Шунингдек, амакиси билан Яманга сафар қилганида, Яманнинг кўзга кўринган олимларидан таълим олган ва уларнинг маърифий сўхбатларидан баҳраманд бўлган. Шунинг учун, қачон Яман шайхларини эсласа олим: “Кўп юртларни кездим, Санъо олимларидек илм ва ҳадисларни чуқур ўрганган, насс (асл матнлар: оят-ҳадис)даги буйруқларга борлиғи билан амал қиладиган олимларни кўрмадим”, дер экан. Синдий асосан Яманнинг икки вилояти: Забийд ва Ҳудайдада яшаган.

Муҳаммад Обид Синдий яшаган асрга назар ташланса, дунёнинг аксар юртларида ижтимоий ҳаёт қанчалик турғун, қолоклигига гувоҳ бўлиши мумкин. Бунинг бош сабаби: давлатлардаги ички низо ва ҳокимият учун олиб борилган курашлар бўлган. Жабиртийнинг “Ажоибул асор” китобидаги маълумотларни ўқиб мазкур хулоса қанчалик тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шундай бўлсада, аллома яшаган аср илм олиш имкониятлари анча кенг ва қулай давр бўлган. Чунки, мусулмон давлати кир катта империяга – битта ғоявий марказ Усманийлар империясига боғланган ва толиби илмлар учун бир давлатдан бошқасига кўчиш ҳеч қандай машаққат туғдирмас эди. Шунинг учун, илм йўлида юрган киши, хоҳлаган диёрига бориб, шайхларнинг илмий мажлисларида таҳсил олиш имкониятига эга бўлган. Хусусан, аллома яшаган Ҳижоз ўлкаси мусулмон дунёсининг муқаддас жойлари сифатида ҳар йили ер юзининг турли ўлкаларидан юз

¹² Саид Бектош. Имом факих муҳаддис шайх Муҳаммад Обид Синдий. – Байрут: Дору башоирул исламия, 1987. Б: 61.

¹³ Саид Бектош. Имом факих муҳаддис шайх Муҳаммад Обид Синдий. – Байрут: Дору башоирул исламия, 1987. Б: 74.

¹⁴ Саййид Абдулмажид Говрий. Муҳаммад Обид Синдий ва унинг ҳадис илмига қўшга ҳиссаси. – Байрут: Дорул маърифат, 2015. – Б: 4



минглаб зиёратчилар, уларнинг орасида кўп сонли олимлар ташриф буюрар эди.

Муҳаммад Обид Синдийнинг Ямандаги асосий устози шайх Имом Шавконий бўлган. Синдий Шавконийни узоқ вақт ёнида бўлиб, у кишидан илм олган. Муҳаммад Обид Синдий илм ва машойихлардан таълим олиш мақсадида кўп шаҳарларга боргани сабабидан, устозларининг адади ҳам жуда кўп бўлган. Қуйида уларнинг баъзилари келтирилади:

1. Шайх Солиҳ ибн Муҳаммад Умарий Фуллоний(1166-1218). Бу зот ҳадис илми ва ҳадиснинг олий санади борасида ўз асрининг ягоналаридан бири бўлган. Синдий бу кишида ҳадис илмини таҳсил олган. Бу кишининг “Қотфус самар фи асонидил мусаннафот” номли катта асари ва “Ийқозу ҳимами улил абсор” номли асари мавжуд¹⁵.

2. Шайх Сиддиқ ибн Али Мизжожий Ҳанафий (1150-1209). Мизжожий Яманда ҳадис илмининг машҳур олимларидан бўлган¹⁶. Синдий бу устозидан ҳадис илмини олган. Шайх Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Исмоил Санъоний (в.ф:1242). Бу киши “Субулус салом шарҳу булуғул маром” китобининг муаллифи Амир Санъонийнинг ўғли бўлган. Синдий бу кишидан “Удда хошияту шарҳул умда” китобидан илм олган.

3. Шайх Муҳаммад ибн Али Шавконий (1173-1250). Бу киши кўплаб китобларнинг таълиф қилган. Хусусан, “Найлул автор” китоби Ислом оламида шуҳрат қозонган. Шайх Муҳаммад Замон Саний ибн Маҳбубуссомад Синдий (ваф. 1247/1832 й.). Бу киши Синднинг машҳур олими бўлган. Муҳаммад Обид Синдий бу кишидан сулук ва одоб илмини олган.

Аллома 1232/1817 йилда Мисрга сафар қилади ва у ерда бир йил мобайнида олимлар билан учрашиб, улардан илм олди. Ўша пайтлар Мисрда Муҳаммад Али Бошо Усманийларнинг волийси бўлиб, у Муҳаммад Обид Синдий ҳақида эшитгани сабаб, олимни кўп икром қилган. Синдий 1233/1818 йилда яна Яманга қайтган.

Аллома дарс бериш, китоб ўқиш ва асарлардан нусха кўчириш ишлари ҳам машғул бўлган. Унинг хуснихати жуда чиройли ва аниқ бўлган. Манбаларда Синдий икки юз кун ичида олти саҳиҳ китоб: Саҳиҳ Бухорий, Саҳиҳ Муслим, Сунан Термизий, Сунан Насоий, Сунан Абу Довуд ва Муватто каби ҳадис тўпламларини кўчириб чиқгани зикр этилади. Шунингдек, Фатҳул Борий ва Мажмауз завоид китобларидан нусха кўчирган¹⁷.

¹⁵ Абдулхай ибн Абдулкарим Каттоний. Фихрисул фаҳорис. – Байрут: Ихёу турос арабий, 2003. – Б: 901

¹⁶ Имом Шавконий. Бадрут толий. – Байрут: Дорус салом, 2006. – Б: 332

¹⁷ Тақиюддин Надавий. Таржимату имом фақиҳ муҳаддис шайх Муҳаммад Обид Синдий. – Байрут: Дору наводир, 2012. – Б: 16.



Киттоний шундай ёзади: “Менга Хатиб Саййид Абу Жийда ибн Абдулкабир Фосий сўзлаб берди. Унинг устози Аллома Ҳасан Ҳулвоний Мадинада Шайх Муҳаммад Обид Синдийдан кутубус ситтани бир ой ичида таълим олиб, олти ой ичида шарҳлари билан ўрганган экан. Бундай сабр мутааххир олимлардан камдан-кам учрайди”¹⁸. Шундан сўнг шогирдларига олти ой ичида сиҳоқ ситтани шарҳлаб ўтган. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, алломанинг дарс бериши фақат ҳадис илмига чегараланиб қолмасдан, у тафсир ва фикҳ фанидан ҳам шогирдларига дарс берган. Дарҳақиқат, фикҳ илмига оид “Таволиъул анвор”¹⁹ номли асарининг хотимасида “Бу китобни талабаларимга дарс қилиб ўтардим”²⁰, деб ёзган.

Алломанинг шогирдлари сони жуда кўп бўлиб, қуйида уларнинг баъзиларини келтирилади: Шайх Қози Иртазо Алихон ибн Аҳмад Умарий Ҳиндий (в.ф: 1270). Қози Иртазо муҳаддис ва қози бўлган. Кўплаб асарлар ёзган муаллифи бўлиб, ҳадис илмига оид “Мадорижул иснод” асари катта шухрат қозинган. Олимнинг яна бир шогирди Шайх Жамалиддин ибн Абдуллоҳ Маккий (ваф. 1284/1867 й.) бўлиб, у факих, муҳаддис ва муфассир бўлган ва ўз даврида Макканинг ҳанафий мазҳабидаги муфтийси эди. Кўплаб асарлари мавжуд, улар орасида машҳури “Фатово жамолия” асаридир.

Синдийнинг яна бир етук шогирди Шайх Ҳасан ибн Аҳмад Зомадий (ваф. 1289/1872 й.)дир. Бу киши ҳофиз, қози ва муаррих бўлган. Устози Муҳаммад Обид Синдий билан узок вақт бирга бўлган ва Яман, Макка ва Мадинага қилган илмий сафарларида ҳамроҳлик қилган. Унинг қаламига мансуб кўплаб асарлари бор бўлиб, улар орасида “Уқудуд дураар” ва “Ҳадоиқул зуҳр” асарлари машҳурдир. Шайх Орифуллоҳ ибн Ҳикматуллоҳ Туркий (ваф. 1275/1854 й.) ҳам Обид Синдийнинг шогирдларидан бўлиб, Ориф Ҳикмат номи билан танилган. Усманийлар давлатидаги Остона шаҳрининг Шайхул-исломи бўлган. Ҳозирги кундаги Мадинадаги “Ориф ҳикмат” номи билан машҳур вақф кутубхонасининг асосчиси ҳисобланади.

Алломанинг бундан ташқари жуда кўп шогирдлари бўлган ва улар устозларидан асосан икки илм: ҳадис ва фикҳдан таълим олиб, ижоза (шаҳодатнома) олишга эришган. Синдийнинг шогирди Шайх Абдурахмон

¹⁸ Абдулхай ибн Абдулкарим Каттоний. Фихрисул фаҳорис. – Байрут: Ихёу турос арабий, 2003. – Б: 722

¹⁹ Алломанинг ушбу асари қўлёзма ҳолда Азҳария кутубхонасида сақланмоқда. Агар нашрга тайёрланса, тахминан 50-60 том атрофидаги катта тўплам китоб бўлади. Саид Бектош қўлёзмани кўриб шу хулосани ўз тадқиқотида айтиб ўтган.

²⁰ Саид Бектош. Имом факих муҳаддис шайх Муҳаммад Обид Синдий. – Байрут: Дору башоирул исламия, 1987. – Б: 215



ибн Мансур устозини шундай эслади: “У киши жуда ҳаёли, сабр-матонатли ва озортларга сабрли эдилар”²¹.

Алломанинг ҳаёти давомида азиятлар мустаҳкам сабр билан жавоб бергани ҳақидаги хотиралар “Ал-Мавоҳиб ал-латифа” асарининг намоз китоби, азон бобида шундай зикр этилади: Муаллиф шундай ёзади: “Худайда²² шахрининг қозиси Саййид Хусайн ибн Али Ҳозимий Зайдийлик мазҳабида эди. У муаззинларга азондаги “Ас-солату хойрун минан навм” (намоз уйқудан афзал) жумласи ўрнига “Ҳаййа ғала хойрил амал” (яхши амалга шошилиниг) жумласини айтишни буюрди. Чунки, Саййид Хусайн бу ишни саҳоба Умар халифалик даврида ўзи ўйлаб топган “бидъат” деб биларди ва бу даъвосига имом Моликнинг Муватто асарида келган бир ривоятни далил қиларди. Одамлар бу ишни бажаришмади. Қозининг бундан ғазаби келиб, ҳанафий олимларнинг қирқтасини ҳибсга олди. Маҳбуслар орасида мен ҳам бор эдим. Темир занжир билан ҳаммани кишанбанд қилди. Маҳбуслар орасидан фақат мен ва менинг тарафдорларим бўйинигагина кишан солишди. Олти кун шу аҳволда ҳибсхонада ётдик. Кейин қамалганларни чиқарди, лекин, айнан мени ушлаб қолиб, калтаклашга буюрди. Соқчилар мени калтаклашди, сўнг, Худайдадан мени сургун қилди ва “Синдийнинг қони ҳам, моли ҳам ҳалол”, деб фатво берди. Ҳозимий азонда “Ҳаййа ғала хойрил амал” дейишнинг борлиги ҳақида уч бетли рисола ёзди. Биринчи бетида Муовия ибн Абу Суфён ҳақида ёзган. Гарчи буюк саҳоба борасида хато қилган бўлса-да, мавзуимиз бу ҳақида бўлмагани учун ҳозир у ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз. Яна бир ярим варағида мени сўкиб, шаънимни таҳқирлаган. Қолган ярим варағида эса “Ҳаййа ғала хойрил амал” дейишнинг тўғрилигига далил келтирган”²³.

Воқеадан маълум бўладики, Муҳаммад Обид Синдий азиятларга сабрли ва одоб-ахлоқи юксак савияда бўлганини билиш мумкин. Ўз асарида илмсиз қозини ёмон сўзлар билан тилга олмаган ва ўзи эҳтиром қилинган юртларда бу масалага қайтиб ўтирмаган.

Муҳаммад Обид Синдийнинг бутун ҳаётига эътибор берилса, аллома умрининг кўп қисмини илм олиш учун сафарда ўтказган. Туғулган юртидан ёшлик даврида чиқиб кетиб, Макка, Мадина, Яман ва Мисрда бўлиб ўз даврининг етук олимларидан таҳсил олган. Илм олиш йўлидаги кўплаб машаққат ва озорларга сабр қилган. Бир неча илмларда етукликка эришгач, ислом илмларининг деярли барча соҳаларида китоблар ёзган. Бироқ, уларнинг катта қисми ҳадис ва фикҳ фанига оид бўлиб, илм аҳли томонидан

²¹ Абдурраҳмон ибн Мансур. Шахсиётул аср. – Қоҳира: Дорул маърифат, 2003. – Б: 52

²² Яман вилоятларидан бири.

²³ Муҳаммад Обид Синдий. Мавоҳибул латифа. – Байрут: Дорун наводир, 2013. – Б: 432



эътиборли манбалар сифатида қабул қилган. Икки илм яъни фикҳ ва ҳадис илмини етук билимдони бўлгани, кейинги давр олимлари – мутааххирлардан кам ёб ҳолат ҳисобланади. Зеро, булар алоҳида илм йўналишлари бўлиб, битта соҳани тўлиқ ўрганиш ва етук мутахасис бўлиш учун баъзан бир инсоннинг умри етмайди. Шу жиҳатни инобатга олсак, Муҳаммад Обид Синдий ўз даври олимларининг олди қаторида бўлган. Алломанинг илмдан ташқари, инсонийлик хулқи, илм олиш йўлидаги матонати у кишининг илми аҳли ҳурматиға сазовор қилган.

1243/1828 йилда Синдий Мадинаға боради ва умрининг охириғача ўша ерда яшаб қолди. Мадинаға келганда, Муҳаммад Али Бошо уни Мадина уламолари раиси лавозимиға тайинлайди ва у киши Мадинада илм ва маърифат тарқатиш билан машғул бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- 1.Муҳаммад Солихий. Уқуд ал-жумон фи манақиб ал-Имом ал-Аъзам. – Макка. Умм ал-қуро университети, 1980. – 204 б
- 2.Муҳаммад Абдуррашид ан-Нуъмоний. Маканату ал-Имом Аби Ҳанифа фи ал-ҳадис. Байрут, 1996. – 285 б
- 3.Абу Ҳанифа ан-Нуъмон Имом ал-аиммати ал-фуқаҳо. – Байрут: Дор ал-қалам, 1993. – 400 б
- 4.Ҳабиб Аҳмад Кийронавий. Абу Ҳанифа (р.а.)ва асҳабуху. – Байрут: Дор ал-фикр ал-арабия, 1989. – 589 б
- 5.Муҳаммад Қосим Абдух. Маканату ал-имам Аби Ҳанифа байна ал-муҳаддисийн. – Макка: Дор ал-қалам, 1993. – 469б
- 6.Сайид Афибий. Ҳаяту ал-имам Аби Ҳанифа. – Қоҳира: Дор ал-маориф, 1934. – 600 б
- 7.Зафар Аҳмад Усманий. Эълоус сунан. – Байрут: Дорус салом, 1997. – 400 б
- 8.Ашраф Али Таҳонавий. Имом Аъзам. – Қоҳира: Дорул илм, 1988. – 268 б
- 9.Илме ҳадис ме Имам Абу Ҳанифа (р.а.)ка мақому мартаба. – Дехли, 1997. – 598 б
10. Муҳаммад Обид Синдий. Ал-Мавоҳиб ал-латифа. – Байрут: Дорун наводир, 2013. – 184 б
- 11.Муҳаммад Али Мубхий. Давлату Усманийин. – Байрут: Дору ихё турос, 1998. – 207 б
- 12.Шайх Абдуссалом Исавий. Тариху салотин Усманийин. – Қоҳира: Дорул маърифат, 2003. – 360 б
- 13.Шайх Мухтор Дира. Ҳаза тарихуна. – Димашқ: Дору салом, 2011. – 184б



14.Шайх Махмуд Абу Роъс. Тариху маждина. – Байрут: Дорул ирфон,
1987. – 378 б